

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, кишлок хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-5/1

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

- Жуманов М.А., Аметов Я.И., Арепбаев И.М., Аметова Н.И., Шукурлаев М.Н., Жангабаева Э.Ф., Бекетов А.А. 2022 йили Ашшиқўл кўлида олиб борилган орнитологик кузатишлар натижалари 105
- Исламова З.Б., Хожиматов О.К. Исследование элементного состава *Biebersteinia multifida* DC методом ICP-MS 110
- Каипов Т.А. Нукус шаҳри тупроқ шаройтида сурия гибискуси, жимолост, лигуструм ва аморфа буталари каламчаларининг йиллик ўсиш кўрсаткичлари 115
- Куралова Р.М., Қўшиев Ҳ.Х., Хусанов Т.С., Жўрабоева М.А. Ширинмия *Glycyrrhiza glabra* L ўсимлигининг тугунагидан бактерия изолятидаги гиббереллен фаоллиги 119
- Қулмаматова Д.Э., Муродова С.М., Бузуруков С.С., Расулова О.О., Акбарова Г.О. Нўхат уругларининг униб чиқишига *F. oxysporum* f. sp. *ciceris* замбуруғининг таъсири 126
- Муродов С.А., Хожиматов О.К. Ўзбекистон флорасидаги *Cistanche* (Hoffmanns. & Link) туркуми вакилларининг этноботаник таҳлили 130
- Омонов О.Х., Аманов Б.Х. Тошкент вилояти шаройтида кунгабоқар (*Helianthus annuus* L.) ўсимлиги намуналарининг баъзи морфо-физиологик кўрсаткичлари 134
- Палўаниязова Д.А., Дадаев С., Каниязов А.Ж. Қорақалпоғистон кўйлари гельминтофаунаси 139
- Рахимова Т., Адиллов Б.А., Рахимова Н.К., Полвонов Ф.И., Бегжанова Г.Т. Пастбищная ёмкость восточного чинка Каракалпақского Устюрта 144
- Рахимова Н.К. Распространение некоторых типов пастбищ Каракалпақского Устюрта 149
- Рахимова Т., Тажетдинова Д.М., Абдирахимова С.Ш., Ваисова Г.Б. Современное состояние каперсово-полынного сообщества в условиях осушенного дна Аральского моря 152
- Рашидов Н.Э., Имомова Ш.Ш., Низомов Д.Б. Эфир мойли ўсимликларнинг биологияси ва аҳамияти 155
- Сантжанова У.Ш., Шомуродов Х.Ф. Эколого-фитоценотическая приуроченность пырейно – люцерновой пастбищной разности (*Medicago sativa* + *Agropyron fragile*) Каракалпақского Устюрта 158
- Халимова Ш.Э. *Lophanthus anisatus* (Nutt.) Benth. ning Бухоро иқлим шаройтида кунлик ва мавсумий гуллаш динамикаси 161
- Холмурадова Т.Н., Шомуродова О.Д. Қашқадарё сув ҳавзасида тарқалган юксак сув ва сувбўйи ўсимликларининг дастлабки рўйхати 164
- Элмуродова М.В., Медетов М.Ж. Навоий вилояти худудида асаларисимонлар (Hymenoptera: Apidae) фаунаси 169
- ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ**
- Absalomov E.T., Tilovov T. Qashqadaryodagi ayrim suv havzalari misolida suv tanqisligining sabab va oqibatlari 173
- Aliev Sh.K., Tuychiyev I.U., Abdulbaqiyeva Kh. Effect of different chemicals on fusarium wilt against winter wheat 175
- Djumaniyazova Y.A., Ruzimov J. Sh., Satimov A.A. Kuzgi bug'doyning "Aral" navining Xorazm viloyati sharoitida hosildorligini o'rganish 177
- Djumaniyazova Y.A., Ruzimov J. Sh., Yusupova M.I., Khajiyev R.K. Kuzgi bug'doyning dastlabki o'suv davrida sho'rlanishga chidamlilik indeksi 179
- Ergasheva X.A. The role of plants in people's lives and measures to preserve them 181
- Jalilova D.M., Lapasova M.Sh. Dala otqulog'ining tibbiyotda qo'llanilishi 185
- Maxkamova D.Yu., Vaxranova N.S., Abdulkarimov J.J. Tuproqdagi aktinomitset bakteriyalari va mikroskopik zamburug'larga don-dukakli ekinlarning ta'siri 187
- Maxmudova Z.V., Olimjonova S.G'., Ashurova G.S. Different productivity of black raisins grape bushes in the conditions of the Samarkand region 190
- Norboeva U.T., Boltaeva Z.A. G'o'zaning fotosintez so'f mahsuldorligiga stress omillar ta'siri 193
- Oymatov R.K., Aminova G.R., Nasriddinov S.R. GAT va yerni masofadan zondlash ma'lumotlari asosida elektron qishloq xaritalarini yaratish 196
- Safarov B.I., Yormatova D.Yo., Xamroyeva M.K. Zaytunchilikni rivojlanish jarayonlari 200

цветет в начале мая, плодоносит в июне-августе и заканчивает вегетацию в конце октября, даже ноябре, если нет заморозков.

Таким образом, изученные виды полыни солелюбивой и каперса колючего считаются высокоустойчивыми видами к ксеротермическим факторам, характеризующиеся ускоренными темпами роста на ранних этапах развития, глубокими корневыми системами, хорошим самосевом, возрастным разнообразием популяции, что способствует увеличению площади распространения и стабильной урожайности в течение 10-15 лет. Урожайность надземной кормовой массы полыни солелюбивой на осушенном дне Аральского моря составляет 6-8 ц/га. В связи с этим рекомендуем использовать данные ассоциации круглогодично, особенно мелким рогатым скотом и верблюдами, а также для посева семян полыни в фитомелиорации.

Работа выполнена в рамках прикладного проекта AL-632204150 по теме «Формирование современного списка флоры на основе углубленного изучения растительности осушенного дна Аральского моря, создание цифровой базы данных и коллекции их генофонда».

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ажигитова Н.И. Галофильная растительность Средней Азии и ее индикационные свойства. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 29-30.
2. Курочкина Л.Я. Растительность песчаных пустынь Казахстана. Т.1. 1966. – С. 461-492.
3. Шеримбетов С.Г. Жанубий Оролкум ўсимликлари. – Тошкент: Lesson press, 2023. – Б. 144-146.
4. Сильковский Л.П., Сильковская А.С. Новые кормовые растения для улучшения пастбищ пустынь и полупустынь. Пастбища и сенокосы СССР. – Москва: Колос, 1974. – С. 409-422.
5. Сильковский Л.П. Полыни из подрода *Seriphidium* как кормовое растение и опыт введения их в культуру в Средней Азии. – Сталинабад, 1959. – С. 41-49.
6. Сальманов Н.С. Биологическая характеристика эрман-шуваха (*Artemisia halophila* Krasch.) в связи с вопросами улучшения малопродуктивных солончаковых пастбищ. Автореф. дисс. док. биол. наук. – Самарканд, 1969. – 25 с.
7. Рахимова Т. Эколого-биологические особенности видов рода *Artemisia* из подрода *Seriphidium* (Bess.) Rouy и перспективы их использования. Автореф. дисс. док. биол. наук. – Ташкент, 1995. – 45 с.

УЎК 633.81

ЭФИР МОЙЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ БИОЛОГИЯСИ ВА АҲАМИЯТИ

Н.Э.Рашидов, б.ф.н., доц., Бухоро давлат университети, Бухоро
Ш.Ш.Имомова, магист, Бухоро давлат университети, Бухоро
Д.Б.Низомов, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада эфир мойли ўсимликларнинг биологик ва экологик хусусиятлари, халқ хўжалигида ва тиббиётда шилатилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган

Калим сўзлари: глюкозидлар, карбон сувлари, спирт, арпабодиён, оқ зира, кашнич, қора зира, кийик ўт, лимон ўт, ялғиз, карбон сувлари, спирт.

Аннотация. в данной статье представлена информация о биологических и экологических свойствах эфирномасличных растений, их использовании в народном хозяйстве и медицине

Ключевые слова: глюкозиды, углекислая вода, спирт, фенхель, белый тмин, кинза, черный тмин, оленья трава, лимонная трава, мята, углекислая вода, спирт.

Abstract. this article provides information on the biological and environmental properties of essential oil plants, their use in the national economy and medicine

Keywords: glucosides, carbon water, alcohol, fennel, white cumin, cilantro, black cumin, deer grass, lemon grass, mint, carbon water, alcohol.

Киритиш: Эфир мойларининг асосий манбаи эфир мойли ўсимликлардир. Ер юзидан тарқалган барча ўсимликлар 300 оилага мансуб бўлиб, уларнинг 87 оиласига кирувчи турларида эфир мойлари борлиги аниқланган. Ҳозирги вақтда 2500 ўсимлик турларида эфир мойларининг сақланиши ўрганилган бўлиб, улардан 77 оилага кирувчи 1100 дан ортиқ тури МДХ флорасида учрайди. Эфир мойлари ўсимликнинг маълум хужайра ва тўқималардаги

махсус бўшлиқларда ҳамда каналчаларда тўпланади. Бундан ташқари хужайра ширасида эмульсия ҳолатида ва паренхима хужайраларида учрайди. Ҳосилнинг ўсиши, ривожланиши ва тарқалган шароитга қараб, ундаги эфир мойларининг миқдори ўзгариб туради. Эфир мойлари ўсимликларнинг уруғ ва меваларида, гул ва баргларида, поя ҳамда илдизларида бўлади. Эфир мойлари ўз кимёвий таркибининг мураккаблиги, учувчанлиги ва хушбўй бўлиши билан ўсимлик мойларидан фарқ қилади. Агар эфир мойлари қогоз ёки материалга теккизилса, унда ҳеч қандай доғ қолдирмайди. Эфир мойлари кўпчилик ўсимликларда эркин ҳолда бўлиб, сув буғи ёрдамида ҳайдаб олиш ёки экстракция усули билан улардан ажратиб олинади.

Таdqиқот натижалари: Баъзи ўсимликларда эфир мойлари глюкозидлар ва бошқа моддалар билан бириккан ҳолда бўлади. Уларни соф ҳолда ажратиб олиш учун ферментация усулидан фойдаланилади. Эфир мойли экинларнинг уруғида, мевасида, баргида, поясида хушбўй моддалар - эфир мойлари мавжуд. Уларнинг миқдори 0,1-6,7% атрофида бўлади. Эфир мойлар таркибида ҳар хил органик моддалар (карбон сувлари, спирт, эфирлар, органик кислоталар ва ҳ.) мавжуд. Эфир мойли экинлар аксарият ҳолда *Ariaceae* оиласига мансуб.

Арпабодиён. (анис) *Pimpinella anisum L.* турига, зирадошлар *Ariaceae* оиласига мансуб бир йиллик экин. Илдизи ўқ илдиз, ингичка, яхши ривожланган. Пояси ўтсимон, баландлиги 25-60 см, тик ўсади, юқорги қисми шохланади. Барги уч хил бўлади. Пастки барглари бандли, бутун, думалок, буйраксимон, кам кертилган, четлари тишчали. Ўрта барглари узун бандли, уч қўшалок, барглари панжасимон қийилган. Юқорги барглари бандсиз, 3-5 бўлакли. Гултўплами мураккаб соябон, гуллари оқ рангли. Меваси тухумсимон, ноксимон, узунлиги 3-4 мм, иккита бир уруғли пишганда чатнамайдиган мевачалардан иборат. Меванинг юзасида узунасига кетган ўнта ковурғаси бўлади. Эгатчаларда эфир мойлар кўп бўлади, ранги кўк-яшил бўлади.

Оқ зира. (фенхель) - *Foeniculum vulgare L.* турига, зирадошлар *Ariaceae* оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Илдизи ўқ илдиз, яхши ривожланган. Пояси тик ўсади, сершоҳли, баландлиги 1-2 м бўлади. Барги кетма-кет жойлашади, кучли кертилган бўлаклари ингичка, барглари ранги кўк-яшил. Гултўплами мураккаб соябон, гул ранги сарик бўлади. Меваси халтасимон, иккита бир уруғли мевачадан иборат. Мева юзасида ўнта узун ковурғаси бўлади.

Кашнич. (кориандр) - *Coriandrum sativum L.* турига, зирадошлар *Ariaceae* оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Илдизи ўқ илдиз, яхши ривожланган, ингичка, урчиксимон. Пояси сершоҳли, тик ўсади, баландлиги 30-120 см бўлади, туксиз, найсимон, киррали, антоциан доғлари бўлади. Барги - ҳар хил шаклда, ўзига хос ҳидга эга. Пастки барглари бандли, патсимон, патсимон-кертилган, ўртадаги барглари икки баробар патсимон, юқорги барглари ингичка бўлақларга қийилган. Ўрта ва юқорги барглари бандсиз бўлади. Гултўплам мураккаб соябон. Оддий соябонаар асосида барглари ўралган бўлиб, 3-5 та барглари бўлади. Мураккаб соябонда барг ўралмалари йўқ. Гуллари майда оқ, пушти, оч сарик, оч бинафша рангли. Гули бештали, тугунчаси икки уяли, хашаротлар ёрдамида четдан чингланади. Меваси икки уруғли, шарсимон, чузинчок, бир уруғли, пишганда чатнамайдиган иккита мевачалардан иборат. Эфир мойи мевачаларнинг ички томонида махсус эгатчаларда тўпланади. Пишганда мевалар тўкилади. 1000 дона меванинг вазни 7-10 г. Мева таркибида 0,2-1,4% эфир ва 16-28% мой бўлади.

Қора зира. (тмин) *Carvum carvi* турига, зирадошлар *Ariaceae* оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик. Илдизи ўқ илдиз, яхши ривожланган. Пояси тик ўсади, баландлиги 1-1,5 м бўлади, сершоҳли, ичи ковак, туксиз. Барги кучли қийилган, патсимон кертилган. Гултўплами мураккаб соябон, асосида ингичка ён гули бўлади, ранги оқ, узун бандли. Меваси ясси, жигар рангли, иккита бир уруғли мевачалардан иборат. Мева юзасида узунасига кетган ўнта ковурғаси бор. Ранги сарик-сомон рангли. Қовурғалари орасида эфир мойи жойлашади. **Кийик ўт.** лабгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, баландлиги 40 см. Ўзбекистонда кийик ўтининг 7 та тури кенг тарқалган. Бу ўсимликларнинг баъзи турлари бир йиллик ва кўп йиллик ҳисобланади. Кийик ўти республикамизнинг барча тоғли районларининг адир ва тоғ зоналарининг шимолий, жанубий ён бағирларида, шағалли ва тошли, қўнғирсимон тупроқли

ерларда, денгиз сатхидан 900-2400 м баландликда ўсади. Кийик ўт июнь, июльда гуллаб, июль ойининг охирларида ва август ойининг бошларида мевалари пишади. Кийик ўт зиравор сифатида турли хил таомлар ва салатлар тайёрлашда ишлатилади. Ундан мева ва сабзавот маҳсулотларини тузлашда ҳам фойдаланса бўлади. Кийик ўт саноатда гўшт ва балик консервалари, ширинликлар, вино, ликёрларни ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Бу ўсимлик таомларга солинадиган қора мурч ва лавра баргларида ўзининг шифобахшлиги, таъми билан устун туради. Кийик ўт медицинада юрак санчиш касалига қарши қайнатилиб ичилади. Унинг барги, пояси ва тўпгуллари эфир мойларига жуда бой. Улардан атир, хидли совун спиртли ва спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш лозим. С.Н.Кудряшев (1934) Хисор тоғида (Тожикистон ССР) ўсадиган кийикўти гуллаган даврида унинг таркибида 0,4 фоиз эфир мойи борлигини аниқлаган. А.Д.Безубов ва Н.М.Шорникова (1952) Жанубий Қирғизистонда кенг тарқалган кийик ўт гуллаган вақтида 0,854%, гулида 2%, баргида 0,67%, поясида 0,122% эфир мойи борлигини текширган. Фарғона водийсининг Машаланг сойида денгиз сатхидан 1800 м баландликда ўсадиган кийик ўти гуллаган даврида ундаги эфир мойининг миқдори аниқланган. Унинг ер устки қисми 0,6-1,1%, тўпгули 1,5-2,3%, пояси 0,06-0,09% эфир мойини сақлайди. Ўсимликлардан олинган эфир мойлари хушбўй хидли бўлиб, асосий қисмини апинен, пулегон, ментон ташкил этади. Эфир мойлари очяшил, очсарик, жигарранг бўлади. Кийик ўтдан олинган эфир мойи очик ҳавода оксидланиб, рангини ўзгартиради. Кийик ўтидаги эфир мойларининг асосий қисми дастлабки 40-50 минутда ажратиб олинади. Бу ўсимлик Бўстонлик райони ва Фарғона водийсида жуда кўп учрайди. Улардан халқ хўжалигида фойдаланиш зарур.

Лимон ўт. лабгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, унинг баландлиги 30-120 см. Бу ўсимлик кўп йиллик ўт бўлиб, республикамиз тоғли районларининг тоғолди ва тоғнинг ўрта минтақасида учрайди. Лимон ўт июнь, август ойларида гуллаб, июль, сентябрь ойларида пишади. Унинг хиди лимон хидини эслатгани учун кўпинча лимонли мелисса деб юритилади. Лимон ўт зиравор ўсимлик сифатида Италияда, Скандинавия, Англия ҳамда Шимолий Америкада катта-катта майдонларда ўстирилади. Лимон ўт бизда кам истеъмол қилинадиган зиравор ўсимликдир. У манзарали ўсимлик сифатида экилади. Лимон ўт гуллагунгача барги ва барра навдалари ҳўл ёки қуритилган ҳолда салатларга, шўрваларга, компотларга ва сутли таомларга солинади. Ундан гўштли, баликли ва замбуруғли консервалар тайёрлашда фойдаланса ҳам бўлади. Лимон ўт спиртли ва спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Лимон ўт медицинада организмнинг ҳаракатчанлигини оширишда, иштаҳани очишда ва ошқозон, нафас йўллари яллиғланиш касалликларини даволашда фойдаланилади. Ундан тайёрланган дори-дармонлар ошқозон ва ичакда тўпланиб қолган газларни ҳайдаб чиқаради. Лимон ўт таркибида аччик ва ошловчи моддалар, органик кислоталар, минерал тузлар, витамин С ҳамда эфир мойлари бор. Унинг эфир мойларидан хушбўй совунлар, тиш ювадиган пасталар ҳамда атирлар тайёрлаш мумкин. А.П.Қондрацкий, А.Р.Никитинский (1924) ботаника боғида ўстирилган лимон ўтда 0,06% эфир мойлари борлигини аниқлаган. Фарғона водийсининг Машаланг сойида кенг тарқалган лимон ўт гуллаш даврида унинг барг ва тўпгулларида 0,04%, баргида 0,09% эфир мойларини сақлайди. Эфир мойларининг асосини цитраль, цитранеллаль, линалол, гераниол ташкил этади. Лимон ўтнинг катта майдонлардаги табиий бойликлари йўқ. У уругдан осонлик билан кўпаяди, ер танламайди. Уни табиий ўсаётган жойларида кўпайтириш яхши натижаларни беради.

Ялпиз. лабгулдошлар оиласига мансуб бўлган ва баландлиги 40-100 сантиметрга кўтарилиб тик ўсадиган кўп йиллик ўсимликларнинг Ўзбекистонда 4 та тури мавжуд. Ялпиз арик бўйларида, дарё қирғокларида, булоқ атрофларида ҳамда тоғ олди қисмларидан тоғнинг ўрта минтақасигача бўлган ерларда, яъни денгиз сатхидан 400-2300 м баландликларда ўсадиган ўсимликдир. Ялпиз зиравор ва доривор ўсимлик сифатида жуда қадимдан маълум. Ялпизнинг хиди бош миянинг яхши ишлашига ёрдам беради. Италия ва Миср талабалари ўзлари билан бирга ялпизни дарсхоналарга олиб келар эканлар. Римликлар уйга келган меҳмонни яхши кутиб олиш ва хушчақчақ қилиш учун ялпиз сувини уйларига сепар ва столларни барглари билан артар эканлар. Эрта баҳорда эндигина кўкариб чиққан ялпизлардан

кўксомса ва чучваралар тайёрланади. Барра барглари ва тўпгулларини салат, шўрва, сабзавот ва гўштдан тайёрланган таомларга солиб истеъмол қилиш мумкин. Ялпизнинг барги ва барра новдалари турли хил мевалардан тайёрланган компотларга, чойларга, конфетларга сирка, арок, коньяк, ликёрларга ёқимли хид беришда ишлатилади. Ялпиз сутнинг тез ачиб қолишидан сақлайди. Медицинада ялпизнинг деярли ҳамма турлари овқат ҳазм қилиш органларининг фаолиятини яхшилашда, бод, ички касалликларни, кичимани даволашда ҳамда фармакологияда дориларни хушбўй қилишда қўлланилади. Ялпиз эфир мойларига бой бўлганлиги учун ундан парфюмерия саноатида тиш ювадиган паста ва парашоклар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Бу ўсимликнинг деярли ҳамма қисмида ўсиш шароитларига ва ривожланиш даврига қараб 0,08-3% гача эфир мойлари бўлади. Унинг асосини ментол, ментон, терпиненлар ташкил этади. Л.И.Медведева (1960) Копеттоғ этакларида ўсувчи ялпизда шоналаш даврида эфир мойларининг миқдори энг кўп бўлишини аниқлади. С.Н.Кудряшев (1932-1934) Душанбе атрофидаги Чортут деган жойда ўсаётган ёввойи ялпизларда 0,08- 0,144% эфир мойлари борлигини текширди. Қораолма атрофларида ўсувчи ялпизлар гуллаш даврида баргида 0,08-1,4%, тўпгулида 0,5-0,9% эфир мойлари борлигини аниқлаган. Эфир мойлари очсарик рангли, ўткир хидли, аччиқ таъмlidir. Англия, АҚШ, Франция, ГДР, Япония, Венгрия, Украина, Кавказ, Беларуссияда ялпизлар экилмоқда. Ўсимлик вегетатив, яъни илдиз пояларидан қаламча қилиш усули билан кўпайтирилади. Ўзбекистонда ялпизлардан фойдаланишга эътибор берилмаяпти. Уларнинг саноат аҳамиятига эга бўлган табиий бойликлари етарlidir.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кудряшев С.Н. Эфирномасличные растения и их культура в Средний Азии. Изд-во Комитета наук УзССР Т. 1936.
2. Хожиматов К.Х., Акрамов А.Р. Ўзбекистоннинг асосий зиравор ўсимликлари. Ўзбекистон К.П. МК нашриёти, Т.1968.
3. Хожиматов К., Оллоёров М. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари ва уларни муҳофаза этиш. ЎзССР "Фан" нашриёти, Т.,1988.
4. Горяев М.И. Эфирные масла флоры СССР. Изд-во АН КазССР, Алма-Ата, 1952.
5. Гранитов И.И. Ўзбекистоннинг фойдали ёввойи ўсимликлари хақида қисқача маълумотлар. Ўқувпедашр. Т. 1953.
6. Закиров П.К. Растительный покров Нуратинских гор. Изд-во «Фан» УзССР, Т. 1969.

УДК 581.5 (575.13)

ЭКОЛОГО-ФИТОЦЕНОТИЧЕСКАЯ ПРИУРОЧЕННОСТЬ ПЫРЕЙНО – ЛЮЦЕРНОВОЙ ПАСТБИЩНОЙ РАЗНОСТИ (*MEDICAGO SATIVA* + *AGROPYRON FRAGILE*) КАРАКАЛПАКСКОГО УСТЮРТА

У.Ш.Саитжанова, м.н.с., Институт ботаники АН РУз, Ташкент
Х.Ф.Шомуродов, проф. д.б.н., Институт ботаники АН РУз, Ташкент

Аннотация. Ушбу мақолада бедазор типига қирувчи бугдойиқли-бедазор яйлов ҳилининг (ЯХ) ҳозирги ҳолати келтирилган. Таърифланган яйлов типини Қорақалтоқ Устюртининг Шарқий чинкида тарқалган. Қумоқли-тошли тупроқларда тарқалган бугдойиқли-бедазор (*Medicago sativa*, *Agropyron fragile*) яйлов ҳили Қўнғирот туманида жойлашган, географик нуқталар: Оқбулоқ. Қопланиш даражаси 80 % ни ташкил қилади.

Калит сўзлар: Устюрт, яйлов ҳили, қопланиш даражаси, қурғоқчил ҳудуд, ҳосилдорлик.

Аннотация. В статье представлено современное состояние пырейно-люцерновой пастбищной разности (ПР), входящей в состав люцернового типа пастбищ. Описываемый тип пастбища распространён в Восточном чинке Каракалпакского Устюрта. Пырейно-люцерновая (*Medicago sativa*, *Agropyron fragile*) на суглинисто-каменистых почвах расположена в Кунградском районе, географические пункты: родник Акбулак. Общее проективное покрытие ПР составляет 80 %.

Ключевые слова: Устюрт, пастбищная разность, проективное покрытие, аридный регион, урожайность.